

---

## Акбаробод маҳалласида байрам кўтаринки руҳда нишонланди

Юртимизда байрамлар кўп. Бу байрамлар орасида баҳорнинг илк кунларида нишонланадиган Наврўз байрами алоҳида ўрин тутди. Чунки, шарқона янги йил – Наврўз байрами эзгулик, баҳрикенглик, ҳалоллик, покизалик, бунёдкорлик фазилатларини ўзида мужассам этади. Инсонлар ўртасида ушбу юксак туйғуларни кенг тарғиб қилиш билан умуминсоний аҳамиятга эга.

Айни кунларда туманимизнинг ҳар бир маҳалласида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан миллий қадриятларимизни тараннум этувчи байрам тантаналари бўлиб ўтмоқда. Акбаробод маҳалласида ўтказилган тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар бетакрор ва унутилмас таассуротларга эга бўлдилар.

Байрам тадбири аввалида туман ҳокими Халимжон Умаров сўз олиб, меҳр-оқибат, саҳоват, яшариш ва янгилиниш каби тушунчаларни ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан барчани самимий табриклади ва янги кунда юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилади.

Байрам тадбири давомида куйланган гўзал куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарлар ҳамда жажжи болажонлар томонидан ижро этилган баҳорий тароналар байрам меҳмонларига хуш кайфият улашди.

Шунингдек, ўзида миллийлигимизни акс эттирган либослар, миллий ҳунармандчилик ва миллий таъомлар кўргазмалари ташкил этилиб, бу ерга ташриф буюрганлар кўнглида илиқ таассуротлар уйғотди.

Тадбир давомида туман ҳокимлиги томонидан ўзининг интилиши ва жамиятдаги фаоллиги билан аҳоли орасида барчага ўрнатилган бўлиб келаётган бир гуруҳ маҳалла фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

Наврўз тантаналари туманимизнинг барча маҳаллаларида давом этмоқда.

2023-03-15 17:54:01